

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 17 » май

20 19 у.

№ 415

Toshkent sh.

**Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган
улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида**

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган Саммитига тайёргарлик кўриш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юклатилган аниқ топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Самарқанд шаҳрида 2019-2021 йилларда қуриладиган ва кўчириладиган ичимлик суви ҳамда канализация тармоқларининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофик;

Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда қуриладиган, таъмирланадиган ва реконструкция қилинадиган автомобиль йўллари, барпо этиладиган тоннел ва кўприкларнинг манзилли рўйхати 2-иловага мувофик;

Самарқанд шаҳрида табиий газ, электр энергияси ва алоқа тармоқлари ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларнинг манзилли рўйхати 3-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Самарқанд шаҳрида 2019-2021 йилларда қуриладиган ва кўчириладиган ичимлик суви ҳамда канализация тармоқлари бўйича:

марказлашган маблағлар бўйича Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигини, “Абу-Даби тараққиёт жамғармаси”нинг маблағлари бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлигини – буюртмачи этиб;

марказлашган маблағлар бўйича “Ўзбеккоммуналлойихақурилиш” ДУК – бош лойиҳачи этиб;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси, республика бюджети ҳамда “Абу-Даби тараққиёт жамғармаси”нинг маблағлари – молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда автомобиль йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва тоннелларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари республика бюджети маблағлари ва “Абу-Даби тараққиёт жамғармаси” маблағлари ҳисобидан;

Самарқанд шаҳрида табиий газ, электр энергияси ва алоқа тармоқларини кўчириш ва янгиларини қуриш ишлари тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган Саммити доирасида:

Самарқанд шаҳрида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж, таъмирлаш, реконструкция ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан бир вақтда амалга оширилишига;

лойиҳачи, пудратчи ташкилотларни тўғридан-тўғри энг яхши таклифлар асосида танловларсиз белгилаб олишга мутасадди вазирликлар, идоралар ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигига, истисно тариқасида, рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2020 йил ва келгуси йиллар учун Инвестиция дастурларини шакллантиришда қарорда назарда тутилган лойиҳалар белгилаш тартибда киритилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

мутасадди идоралар билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг Бош режасини ҳамда марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиб, 2019 йил 1 августга қадар тасдиқланишини;

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган Саммити доирасида қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объект ва иншоотларнинг жойлашуви масалаларини Бош режа ҳамда марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳаси тасдиқлангунга қадар лойиҳалаштириш жараёнида тезкор келишилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов, Бош вазирнинг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 май даги 415-сон қарорига
1-илова

Самарқанд шаҳрида 2019-2021 йилларда қуриладиган ва қўчариладиган ичимлик суви ҳамда канализация тармоқларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Ишлар бажариладиган кўчалар номи	Амалга ошириш муддати	Иш ҳажми, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм	Молиялаштириш манбаи	Буюртмачи ташкилот
1	"Samarkand city" туристик зонаси ҳудудидан ўтувчи канализация тармоғини қўчириш	2019-2020 йй.	0,9	2,6	Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
2	Самарқанд шаҳридаги "Бўстонсарой" ва "А.Темур" кўчалари кесишмасидан "Самарқанд ҳалқаро аэропорти" гача боровчи ичимлик сув тармоғини қуриш	2019-2020 йй.	6,0	18,9		
3	Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд ҳалқаро аэропорти" дан Дағбид кўчасигача боровчи канализация тармоғини тортиш	2019-2020 йй.	7,7	11,2		
4	Лахутий кўчасидан Рўдакий кўчаси бўйлаб СП-3 ОНС гача канализация тармоғини тортиш	2019-2020 йй.	0,8	1,2		
5	Хўжа Аҳрор Валий мажмуасидан Гулобод кўчаси орқали Термиз кўчасигача канализация ва ичимлик суви тармоқларини тортиш	2019-2021 йй.	6,2	10,7		
6	М.Улугбек расадхонасидан бошлаб, Афросиёб, В.Абдуллаев ва Ибн Сино кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	2020-2021 йй.	5,7	18,1	"Абу-Даби тараққиёт жамғармаси"	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
7	А.Темур кўчаси бўйлаб С.Бухорий кўчасигача ичимлик сув тармоғини қуриш	2020-2021 йй.	2,7	5,0		
8	Ибн Сино ва Даҳбет кўчалари кесишмасида қурилаётган йўл ўтказгичлар ҳудудидан канализация ва ичимлик суви тармоқларини қўчириш	2019-2020 йй.	2,2	2,5		
9	Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесишмасида қурилаётган йўл ўтказгичлар ҳудудидан канализация ва ичимлик суви тармоқларини қўчириш	2019-2020 йй.	1,4	5,8		
10	М.Улугбек ва Гагарин кўчалари кесишмасида қурилаётган йўл ўтказгичлар ҳудудидан канализация ва ичимлик суви тармоқларини қўчириш	2019-2020 йй.	2,3	10,9		

Т/р	Ишлар бажариладиган кўчалар номи	Амалга ошириш муддати	Иш ҳажми, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм	Молиялаштириш манбаи	Буюртмачи таъкилот
11	Буюк Ипак йўлидан Нарпай кўчаси орқали Кимёгарлар кўрғонигача канализация ва ичимлик суви тармоқларини тортиш ва янги сув иншоотини қуриш	2020-2021 йй.	5,5	15,9	“Абу-Даби таракқиёт жамғармаси”	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
12	М-37 автойўлидан Гагарин кўчаси орқали Гулобод кўчасигача ичимлик суви тармоғини тортиш ва мавжуд сув иншоотини таъмирлаш	2020-2021 йй.	6,6	69,4		
13	Темирйўл вокзалидан Беруний кўчаси орқали М.Улуғбек чорраҳасигача, трамвай йўли остида қолган канализация тармоғини кўчириш	2020-2021 йй.	2,4	5,8		
14	Ибн-Сино кўчасидан Мароқанд кўчаси орқали Шоҳи-Зинда обидасигача бўлган масофада ичимлик суви тармоғини тортиш	2020-2021 йй.	2,0	11,1		
15	Зеҳний кўчасидан Жуйисой маҳалласи орқали М-39 автомагистралигача ичимлик суви тармоғини тортиш	2020-2021 йй.	1,5	1,1		
16	Панжекент кўчасидан Мотрудий мажмуасигача ичимлик суви тармоғини тортиш	2020-2021 йй.	0,7	0,5		
	Жами		54,7	190,8		

Изоҳ: Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларида талаб этиладиган маблағлар ва молиялаштириш манбаларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 май даги 415-сон қарорига
2-илова

Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда қуриладиган, таъмирланадиган ва реконструкция қилинадиган
автомобиль йўллари, барпо этиладиган тоннел ва кўприкларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Кўчалар номи	Йўл узунлиги, км	Лойиха қиймати, млрд сўм	Амалга ошириш муддати	Молиялаш- тириш манбаси	Буюртмачи ташкilot
Автомобиль йўллари						
1	Бўстонсарой кўчасидан А.Темур кўчаси орқали Гагарин чорраҳасидан ўтиб, Тонг кўчасигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	8,0	176,0	2019-2021 й.	“Абу-Даби тараққиёт жамғармаси” маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	М-37А автомобиль йулидан Гагарин кўчаси орқали Гулобод кўчасигача бўлган автомобиль йўлини қуриш ва қайта қуриш (кўприк ва йўл ўтказгичлардан ташқари)	10,0	220,0	2019-2021 й.		
3	Гагарин кўчасидан Гўрўғли кўчаси ва Халқлар дўстлиги маҳалласи орқали М- 37а автомобиль йўлигача реконструкция қилиш	6,0	132,0	2021-2022 й.		
4	Панжикент кўчасининг С.Айний кўчасидан М-39 автомобиль йўли айланасигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	4,0	88,0	2020-2022 й.		
5	Беруний кўчасидан Ибн Холдун кўчаси орқали 4Р-46 автомобиль йўлигача янги йўл қуриш	2,1	46,2	2020-2022 й.		
6	Нарпай ва Фитрат кўчаларининг Гагарин кўчасидан М-37а айланма йўлигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	9,5	209,0	2020-2022 й.		
7	Бўстонсарой кўчасининг Мирзо Улуғбек кўчасидан Унияверситет ҳиёбонигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	1,0	22,0	2020 й.		

Т/р	Кўчалар номи	Йўл узунлиги, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбаси	Буюртмачи ташкилот
8	Жомий кўчасини тўла таъмирлаш	2,5	37,5	2020-2022 й.	“Абу-Даби тараққиёт жамғармаси” маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
9	Вобкент кўчасидан Ал-Мотрудий мажмуасигача туристлар учун янги йўл қуриш	1,0	22,0	2020 й.		
10	Чуқур кўчасининг Рудакий кўчасидан М.Қошғарий кўчасигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	2,0	44,0	2020-2022 й.		
11	Мароқанд кўчасининг Ибн Сино кўчасидан Сиёб бозоригача бўлган қисмини тўла таъмирлаш	2,0	30,0	2020-2022 й.		
12	С.Айний кўчасидан Зехний ва Зарафшон кўчалари орқали М-37а автомобиль йўлигача бўлган қисмини тўла таъмирлаш	4,5	67,5	2020-2022 й.		
13	Термиз кўчасидан Даштаки бола маҳалласи орқали М-37а автомобиль йўлигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	3,4	74,8	2020-2021 й.		
14	Навоий шоҳ кўчасининг Чуқур йул кўчасидан Беруний кўчасигача бўлган қисмини реконструкция қилиш ва қуриш	5,0	110,0	2021-2022 й.		
15	Ўзбекистон кўчасини А.Жомий кўчасидан Кўл маҳалласигача йўлни реконструкция қилиш	6,0	132,0	2021-2022 й.		
16	Фирдавсий кўчасининг А.Жомий кўчасидан Панжоб кўчаси орқали Тонг кўчасигача бўлган оралигини тўла таъмирлаш	7,0	105,0	2021-2022 й.		
17	Сулаймон Бухорий кўчасини Амир Темур кўчасидан Али Қушчи кўчасигача реконструкция қилиш	1,6	35,2	2021 й.		
18	М.Барака кўчасининг М.Улугбек кўчасидан А.Темур кўчасигача бўлган қисмини тўла таъмирлаш	1,0	15,0	2021-2022 й.		

Т/р	Кўчалар номи	Йўл узунлиги, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм	Амалга ошириш муддати	Молиялаш- тириш манбаси	Буюртмачи ташкilot
19	Кулолон кўчасининг Регистон кўчасидан Термиз кўчасигача бўлган қисмини тўла таъмирлаш	0,9	13,5	2021-2022 й.	“Абу-Даби тараққиёт жамғармаси” маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
20	М.Қошғарий кўчасининг - Чуқур кўчасидан М.Бобир кўчасигача бўлган қисмини тўла таъмирлаш	2,0	30,0	2021-2022 й.		
21	Шохрух кўчасининг Университет хиёбонидан Қабристонгача бўлган қисмини тўла таъмирлаш	2,5	37,5	2021-2022 й.		
22	Самарқанд шаҳридаги “Бўстонсарой” ва “Мирзо Улугбек” кўчалари кесишмасидан “Самарқанд халқаро аэропорти” гача олиб борувчи кўчада 8-6 тасмали автомобиль йўлини реконструкция қилиш	5,7	130,0	2019-2021 й.	Республика бюджети	“Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК
23	Рўдакий кўчасининг Беруний кўчасидан Сиёб бозоригача бўлган қисмини реконструкция қилиш	5,0	85,0	2019-2022 й.		
24	Гулобод кўчасининг Г-34 автомобиль йўлидан А-378 автомобиль йўлининг айланасигача бўлган қисмини реконструкция қилиш	3,9	98,0	2019-2022 й.		
25	Хўжа Ахрор Валий кўчасидан Термез кўчасигача бўлган ораликда янги лойиҳавий Г-34 автомобиль йўлини қуриш	1,0	2,8	2019-2020 й.		
26	Шоҳи-Зинда кўчасидан Хужум фабрикаси орқали Ал-Мотрудий мажмуасига олиб борувчи кўчаларни реконструкция қилиш	1,5	42,0	2019-2020 й.		
Жами		99,1	2 005,0	<i>x</i>	<i>x</i>	<i>x</i>
Тоннел ва кўприклар қурилиши						
27	Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесишувидаги транспорт тоннели қурилиши	0,53	68,0	2019-2020 й.	“Абу-Даби тараққиёт жамғармаси” маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
28	М.Улугбек ва Гагарин кесишувидаги транспорт тоннели қурилиши	0,47	64,0	2019-2020 й.		
29	Сиёб канали устидан ўтувчи кўприк	0,37	85,0	2019-2020 й.		
30	Дахбет ва Ибн Сино кесишувидаги транспорт тоннель қурилиши	0,50	70,0	2019-2020 й.		

Т/р	Кўчалар номи	Йўл узунлиги, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм	Амалга ошириш муддати	Молиялаш- тириш манбаси	Буюртмачи ташкilot
31	Рудакий ва Гагарин чорраҳаларида қуриладиган тоннел	0,40	70,0	2020-2021 й.	“Абу-Даби тараққиёт жамғармаси” маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги
32	Гагарин кўчасида темир йўл устидан ўтувчи кўприк	0,10	60,0	2020-2021 й.		
33	Қ.Румий кўчаси бўйлаб 4Р-46 автомобил йўлидан йўл ўтказгич қурилиши	0,12	67,0	2020-2021 й.		
34	"Р.Хамраев" хўжалиги худудидан Самарқанд шаҳри маркази билан боғловчи "Қарадарё" дарёси устидан ўтувчи йўл ўтказиш кўпригини қуриш	0,54	80,5	2019-2020й.		
35	Ибн Холдун кўчасини темир йул устидан ўтувчи йўл ўтказгич қурилиши	0,34	70,0	2020-2022й.		
36	Гагарин кўчасидан М-37 автомобиль йўлига чиқиш учун Сиёб канали устидан кўприк	0,50	90,0	2020-2022 й.		
	Жами	3,87	724,50	х	х	х
	ЖАМИ	103,0	2 729,5	х	х	х

Изоҳ: Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларида талаб этиладиган маблағлар ва молиялаштириш манбаларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 май даги 415-сон қарорига
3-илова

Самарқанд шаҳрида табиий газ, электр энергияси ва алоқа тармоқлари ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Объектлар манзили	Узунлиги, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм
<u>I. Табиий газ тармоқлари ҳолатини яхшилаш тадбирлари.</u>			
2019 йилда			
1	М.Улугбек чорраҳасидан Бўстонсарой кўчаси орқали Самарқанд халқаро аэропортигача	1,5	1,1
2	4Р-46 кўчасидан Ибн Холдун кўчаси орқали ва Рудакий кўчаси орқали Шоҳи-Зиндагача	0,9	0,8
3	Бўстонсарой чорраҳасидан Амир Темур кўчаси орқали "СамАВТО" гача (3 км қисми брусчатка)	5,2	8,5
4	Г-34 кўчасидан Гулобод кўчаси орқали Хўжа Аҳрор Валий мажмуасигача	2,6	0,7
5	Буюк Ипак Йўли кўчасидан Нарпай кўчаси орқали Кимёгарлар кўрғонигача	1,1	8,0
6	Бўстонсарой ва Рудакий кўчаларида қуриладиган тоннел ҳудудида	1,0	0,7
7	М.Улугбек ва Гагарин кўчаларида қуриладиган тоннел ҳудудида	1,1	0,5
8	М-37 автомобиль йўлидан Гагарин кўчаси орқали Гулобод кўчасигача	18,2	7,2
9	Регистон кўчасида	11,5	15,2
	Жами	43,1	42,6
2020 йил			
10	Мир-Саид Барака кўчаси	1,5	0,6
11	Сузангарон кўчаси	1,8	1,4
12	Хусайн Бойқаро кўчаси	1,5	2,8

Т/р	Объектлар манзили	Узунлиги, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм
13	Хўжақишлоқ маҳалласи	3,0	3,6
14	Кулолон кўчаси	1,6	0,6
	Жами	9,4	9,0
	ЖАМИ (табиий газ бўйича)	52,5	51,6
II. Электр энергияси тармоқлари ҳолатини яхшилаш тадбирлари.			
2019 йилда			
1	М.Улугбек чорраҳасидан Бўстонсарой кўчаси орқали Самарқанд халқаро аэропортигича	10	12,0
2	4Р-46 кўчасидан Ибн Холдун кўчаси орқали ва Рудакий кўчаси орқали Шоҳи-Зиндагача	15	18,0
3	Бўстонсарой чорраҳасидан Амир Темура кўчаси орқали СамАВТО гача (3км қисми брусчатка)		
	<i>Бўстонсарой кўчасидан Гагарин кўчасигача</i>	12,5	15,0
	<i>Гагарин кўчасидан СамАВТОгача</i>	2,5	4,0
4	Г-34 кўчасидан Гулобод кўчаси орқали Хўжа Аҳрор Валий мажмуасигача	8	9,6
5	Бўстонсарой ва Рудакий кўчаларида қуриладиган тоннел ҳудудида	2,5	3,0
6	М.Улугбек ва Гагарин кўчаларида қуриладиган тоннел ҳудудида	3,5	4,2
7	Гагарин кўчаси А.Темур кўчасидан Рудакий кўчасигача	10	12,0
8	Регистон кўчасидан Пенжикент кўчаси орқали М-39 кўчасигача	14	21,0
9	35 кВли Регистон нимстанциясидан Афросиёб нимстанциясигача Дағбит кўчаси ва Регистон кўчалари оралиғидаги Панжикент кўчаси бўйлаб 35кВли Л-Шердор Л-Чинор тармоғини янгилаш	14,1	28,2
10	Янги қурилиши мўлжалланган Намозгоҳ нимстанциясигача Афросиёб нимстанциясидан 35кВли тармоғини қуриш	12	24,0
	Жами	104,1	151,0
2020 йилда			
11	М-37 автомобиль йўлидан Гагарин кўчаси орқали Гулобод кўчасигача	8	9,6

Т/р	Объектлар манзили	Узунлиги, км	Лойиха қиймати, млрд сўм
12	Буюк Ипак йўлидан Нарпай кўчаси орқали Кимёгарлар кўрғонигача	12	14,4
13	Рудакий кўчаси Гагарин кўчасидан М-37 кўчасигача	10	12,0
14	Ибн Холдун кўчасидан 4Р-46 Спитамен шоҳ кўчасигача	5	6,0
15	Бўстонсарой кўчасидан Регистон кўчаси орқали Панжикент кўчаси чорраҳасигача	8	9,6
16	Пенжикент кўчасидан Садриддин Айний кўчаси орқали Г-34 кўчасигача	6	9,0
17	Университет хиёбонидан Термиз кўчаси орқали М-37 кўчасигача	8	9,6
18	Шоҳи Зинда ва Регистон кўчалари оралиғидаги Тошкент кўчаси	16,75	18,5
19	35 кВли Марказий нимстанциясидан Шимолий нимстанциясигача Боғишамол нимстанция орқали Гагарин кўчасидаги тармоқни алмаштириш	5,2	10,4
	Жами	78,95	99,1
	ЖАМИ (электр энергияси бўйича)	183,05	250,1
III. Алоқа тармоқларини тортиш.			
2019 йилда			
1	Бўстонсарой ва М.Улутбек кўчалари кесишмасидан Рудакий кўчасигача ҳамда Рудакий ва Ибн-Сино кесишмасидан Самарқанд халқаро аэропортигача	10,1	6,7
2	Беруний кўчасидан Рудакий кўчаси орқали Шоҳи-Зинда мажмуасигача	10,3	6,9
3	Г-34 ва Гулобод кўчалари кесишмасидан Самарқанд туманидаги Хўжа Аҳрор Валий мажмуасигача	5,8	3,9
4	Бўстонсарой кўчасидан А.Темур кўчаси орқали Гагарин чорраҳасигача	4,8	3,8
5	Рудакий чорраҳасидан Гагарин кўчаси орқали Фирдавсий кўчасигача	3,4	5,8
6	Шоҳи-Зинда кўчасидан Хужум фабрикаси орқали Ал-Мотрудий мажмуасигача	1,5	1,0
	Жами	35,9	28,1
2020 йилда			
7	Беруний кўчасидан Ибн Холдун кўчаси бўйлаб 4Р-46 автомобиль йўлигача	4,5	1,0

Т/р	Объектлар манзили	Узунлиги, км	Лойиха киймати, млрд сўм
8	Г-34 Резиденция кўчасида	2,1	0,4
9	Гагарин чоррахасидан - М37А автомобиль йўлигача	3,1	0,91
10	Гагарин чоррахасидан А.Темур кўчаси орқали Сам АВТО заводигача	4,4	1,8
11	Фирдавсий чоррахасидан Гагарин кўчаси бўйлаб Гулобод кўчасигача	5,8	1,7
12	Панжикент кўчаси - С.Айний кўчасидан М-39 автомобиль йўли айланасининг 1086 км қисмигача	8,5	2,0
13	Бўстонсарой кўчаси - Мирзо Улугбек кўчасидан - Университет хиёбонигача	2,2	0,8
14	Нарпай кўчаси - Буюк Ипак йўлидан - М-37а айланма йўлигача (4К 565 а/йўли орқали)	16,7	3,8
15	Абдурахмон Жомий кўчасида	5,5	1,2
16	Вобкент кўчасидан Ал-Мотрудий мажмуасигача	2,1	0,3
17	Чуқур кўчасидан - М.Қошғарий кўчасигача	4,2	0,9
18	Мароқанд кўчаси - Ибн Сино кўчасидан Сиёб бозоригача	4,1	0,4
19	Зехиний кўчаси - С.Айний кўчасидан М-39 автомобиль йўлигача	7,5	1,8
20	Термиз кўчаси - Даштаки бола кишлоғигача	6,9	1,6
	Жами	77,6	18,6
	2021 йилда		
21	Навоий шох кўчаси Беруний кўчасигача	5,1	1,7
22	Ўзбекистон кўчаси - А.Жомий кўчасидан Кўл кишлоғигача	8,6	2,1
23	Фирдавсий кўчаси - А.Жомий кўчасидан Панжоб кўчаси охиригача	8,7	1,5
24	Г-34 кўчаси - Университет хиёбонидан Лутфий кўчасигача	1,1	0,3
25	Тонг кўчасидан Хишрав қўрғонининг марказий кўчасигача	2,5	0,6
26	Тонг кўчасини реконструкция қилиш доирасида Али Қушчи кўчасидан - Нарпай кўчасигача	2,4	0,6
27	Сулаймон Бухорий кўчасини реконструкция қилиш доирасида Амир Темур кўчасидан - Али Қушчи кўчасигача	1,8	0,4

Т/р	Объектлар манзили	Узунлиги, км	Лойиҳа қиймати, млрд сўм
28	Али Кушчи кўчасини реконструкция қилиш доирасида Буюк Ипак йўли кўчасидан - С.Бухорий кўчасигача	1,8	0,8
29	Регистон кўчаси-Университет хиёбонидан Панжакент кўчасигача	2,8	0,7
30	Чуқур кўчаси давоми Рудакий кўчасидан-Афросиёб кўчасигача	6,7	1,5
31	Зарафшон шоҳ кўчаси М-37а автомобиль йўлидан Зехиний кўчасигача	4,6	1,1
32	Мирзо Улугбек хиёбони охиридан 4Н- 513 автомобиль йўлигача	1,3	0,7
33	Қ.Румий кўчасидан Йўл ўтказгич 4Р-46 йўлигача	0,38	0,8
34	Фитрат кўчаси - Буюк Ипак йўли кўчасидан Гагарин кўчасигача	3,2	0,8
35	С.Айний кўчаси - Г-34 кўчасидан Зехний кўчасигача	8,6	2,1
36	М.С.Барака кўчаси - М.Улугбек кўчасидан А.Темур кўчасигача	2,3	0,6
37	Кулолон кўчаси - Регистон кўчасидан Термиз кўчасигача	1,9	0,3
38	М.Қошғарий кўчаси - Чуқур кўчасидан Мирзо Бобир кўчасигача	4,3	1,1
39	Шоҳрух кўчасидан - Университет хиёбонидан қабристонгача	5,4	1,6
40	Туркистон кўчасидан Бўзи маҳалласи орқали М-37а автомобиль йўлигача	11,3	2,1
41	М-37 автомобиль йўлининг 6 км дан Полатдархон - Фарҳод шаҳарчаси орқали М-39 автомобиль йўлининг 1078 км га чиқиш йўлигача	28,2	2,9
42	Термиз чорраҳасида тоннел қуриш доирасида	1,0	0,5
	Жами	113,9	24,8
	ЖАМИ (алоқа тармоғи бўйича)	227,42	71,52
	ЖАМИ (табиий газ, электр энергияси ва алоқа тармоқлари бўйича)	463,0	373,2

Изоҳ: Талаб этиладиган маблағларга лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин аниқлик киритилади.

